

Фикҳ дарслари (43-дарс). Янги фикҳ луғати китоблари



14:00 / 29.07.2019 7218

Ал-қомус ал-фикҳий.

Бу китобнинг тўлиқ исми «Ал-қомус ал-фикҳий луғатан ва истилоҳан»дир. Унинг муаллифи Саъдий Абу Жийбдир.

Муаллиф олдин феълни, кейин исмни баён қилган.

Феъл ва исмларни алифбо тартибига биноан жойлаштирган.

Ҳар бир сўзга Қуръондан ва ҳадисдан далил келтирган.

Аввал сўзнинг луғатдаги, кейин истилоҳдаги маъносини кўрсатган.

Агар уламолардан бири таърифни шариатга, истилоҳга, урфга ёки уламолар иттифоқига нисбат берган бўлса, уни ҳам айтиб ўтган.

Фикҳий мазҳаблар Моликий, Ҳанафий, Шофеъий, Ҳанбалий, Зоҳирий, Жаъфарий, Зайдий ва Абозий тартибида олинган.

Агар бир таърифга бир неча мазҳаб иттифоқ қилган бўлса, иттифоқ қилган мазҳаблар ва таъриф ҳам келтирилган.

Айрим мавзуларга оид янги китоблар

Қадимда фақиҳлар зарурат юзасидан айрим мавзулар бўйича алоҳида китоблар ёзгани маълум ва машҳур. Намоз китоби, Рўза китоби, Ҳаж китоби кабилар. Ўша эски услубга амал қилиб, замондош фақиҳларимиздан баъзилари ўзлари аҳамиятли деб билган мавзулари бўйича алоҳида китоб битишга ҳаракат қилдилар. Албатта, Намоз китоби, Рўза китоби, Ҳаж китоби, Закот китоби каби таълим учун турли тилларда ва услубларда нашр қилинган асарларни илмий иш деб баҳолаш қийин, аммо баъзи жиддий илмий ишлар сирасига кирадиган китоблардан намуна келтиришга ҳаракат қиламиз.

1. Ибодот.

Бу мавзу бўйича ёзилган янги китобларга Асъад Маҳмуд Саъийд Соғурчининг «Ат-тайсир фил фикҳил Ҳанафий» номли китобини мисол келтиришимиз мумкин. Муаллиф бу китобни «Танвийрул абсор» ва «Раддул Мухтор» китобларидан фойдаланиб ёзган. Унда фақат ибодатлар қисми – Намоз, Рўза, Закот ва Ҳаж китоблари бор. Масалалар батафсил ёритилган ва далиллар келтирилган. Китобнинг биринчи нашри «Дорул Калимит-Тоййиби» тарафидан ҳижрий 1423 – милодий 2002 санада Байрутда амалга оширилган.

2. «Фикҳуз-закоти».

Машҳур олим шайх Юсуф Қаразовий «Фикҳуз-закоти» китобининг муқаддимасини ҳижрий 1389 – милодий 1969 санада ёзган. Мазкур муқаддимада закот ибодати даврининг энг муҳим масаласи бўлиб тургани, шу пайтгача бу борада жиддийроқ илмий иш қилинмагани, ҳатто Миср Вақф вазирлиги ушбу долзарб мавзуда илмий мусобақа ҳам эълон қилгани ва китоб мазкур ҳолатни эътиборга олиб битилгани ҳақида ёзилади.

«Фиқҳуз-зақоти»да тафсир, ҳадис шарҳи, молиявий ва шаръий сиёсат китоблари, турли мазҳабларнинг фиқҳ китобларидаги сочилиб турган маълумотлар жамланган ва таҳлил қилиниб, замона талабига мос ечимлар чиқарилган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, «Фиқҳуз-зақоти» китоби бу мавзудаги энг яхши китоб ҳисобланади. Китобнинг бош мавзулари қуйидагилардан иборат:

- Зақот ва садақанинг маъноси ҳақида;
- Зақотнинг фарзлиги ва унинг Ислондаги ўрни;
- Зақотнинг кимларга фарз бўлиши;
- Зақот фарз бўладиган моллар ва уларнинг миқдори;
- Зақот фарз бўладиган молларнинг умумий шартлари;
- Ҳайвонот бойликлари зақоти;
- Тилла ва кумушнинг (пул бирликлари) зақоти;
- Тилла ва кумуш тақинчоқлар, идишлар ва санъат асарлари зақоти;
- Тижорий бойликлар зақоти;
- Зироат бойликлари зақоти;
- Асал ва ҳайвонот бойликлари зақоти;
- Денгиз ва кон бойликлари зақоти;
- Иморатлар, заводлар ва шунга ўхшашлар зақоти;
- Касб ва ҳунар зақоти;
- Улуш ва чеклар зақоти;
- Зақот оладиган тарафлар;
- Ҳақдор синфлар ҳақида мулоҳазалар;
- Зақот олмайдиган синфлар;
- Зақотни адо этиш йўли;
- Зақотда ниятнинг ўрни;

- Закотда қийматни бериш;
- Закотни бошқа юртга нақл қилиш;
- Закотни эрта ёки кеч бериш;
- Закотни адо этиш бўйича турли масалалар;
- Закотнинг якка шахс ва жамиятга таъсири;
- Фитр закоти;
- Молда закотдан бошқа ҳам ҳақнинг борлиги;
- Закот ва солиқ.

«Фиқҳуз-закоти» барчага машҳур ва маъқул бўлган китоб ҳисобланади. Унинг биринчи нашри ҳижрий 1389 – милодий 1969 санада чиққан бўлса, ҳижрий 1406 – милодий 1986 санада олтинчи нашри «Муассасатур-рисола» томонидан амалга оширилган.

(Давоми бор)

«Фиқҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан